



ТҶККИЗ ЮЗ ИККИНЧИ (1496-1497) ЙИЛ ВОКЕАЛАРИ

Ушбу кишда Бойсункур мирзонинг иши анча ривож топган эди. Султон Али мирзо томонидан Абдулкарим ашрит Кўфин ва унинг якинидаги мавзеларга келган эди. Самарканддан Махдий Султон Бойсункур мирзо лашкарининг хужумчи кисмини бошлаб келиб, буларнинг устига ташланди. Абдулкарим ашрит билан Махдий Султоннинг ўзлари юзма-юз бўлдилар. Абдулкаримнинг отига Махдий Султон черкасий килич солиб йикитди. Ўзи тураётган ҳолатида Махдий Султон кўлининг тирсагидан чопди. Уни кўлга тушириб, ўша хужумчи лашкарни яхши босдилар. Бу султонлар Самарканд ишини ва мирзоларнинг салтанатини кучсиз билиб, айрилиб, баҳорда Шайбонийхон қошига кетдилар.

Шунча воқеалардан сўнг самаркандликлар тўпланиб, Султон Али мирзонинг қаршисига лашкар тортиб чиқдилар. Бойсункур мирзо Сарипулга келди. Султон Али мирзо Хожайи Кордзанга келди. Ушбу фурсатда Хожа Мунир Ўшийнинг қутқуси билан Хожа Абулмақорим ва Андижон бекларидан Вайс Логарий, Муҳаммад Боқир ва яна Қосим дўлдой ҳамда Бойсункур мирзонинг бир гуруҳ яқин қишилари Бухоро устига юрдилар. Яқин етганларида Бухородагилар хабардор бўлдилар, буларнинг ишлари қиримай, ортига қайтдилар.

Султон Али мирзо билан қўришга-қимизда, ёзда улар Бухородан, қен Андижондан қелиб, Самаркандни қамал қиламиз, деб қелишилган эди. Ўша ваъдалашувга қўра, қамазон ойида Андижондан отланиб, Ёрайлок мавзесига етганда, мирзоларнинг юзма-юз ўтирганлари хабарини эшитиб, Тўлун Хожа мўғулни икки-уч юз қангари йигитлар билан хужумчи қисм қилиб айирдик. Яқин етганимизда Бойсункур мирзо бизнинг бораётганимиздан хабар тоқиб, сафи бузилган йўсинда орқасига қайтади. Бу йигитлар ўша қеча уларнинг йўлини қўндалангига қесиб қикиб, қўп қишини отиб, анча ўлжа қелтирдилар.

Биз бир-икки қундан сўнг Шероз қўргонига етдик.

Шероз Қосим дўлдойда эди. Қўргонбеги Шерозни сақлай олмай, қўргонни топширди. Шероз қўргони Иброҳим сору ихтиёрига берилди. Тонгда фитр қайити намозини ўша ерда ўқиб, Самарканд сари йўлга қикиб, Обёр истироҳатгоҳига тушдик. Ўша қуни Қосим дўлдой, Вайс Логарий, Қасан нақира, Султон Муҳаммад Сайфал, Султон Муҳаммад Вайс уч-тўрт юз қиши билан қелиб, мулозамат қилдилар. Бойсункур мирзо қўқиб, орқага қайтгач, биз айрилиб подшоҳ қуллугига қелдик, дейишди улар. Охири маълум бўлдики,

булар бахслашиб Бойсун-кур мирзодан айрилиб, Шерозни мудофаа килгани келган эканлар. Шероз иши бундай бўлгач, ноилож қолиб қелишибди.

Корабулоққа тушганимизда баъзи ерли кишиларга бебошлик қилган (талаган) мўғулларни тутиб келтирдилар. Қосимбек сиёсат учун икки-учтасини парча-парча қилдирди. Тўрт-беш йилдан сўнг харбий саргардонликларда Масчодан хон қошига — Тошкентга йўл олганимизда Қосимбек шу сабабли биздан айрилиб, Хисорга кетди. Корабулоқдан ўтиб, сув кечиб, Ём тўғрисида тушдик. Ушбу кун баъзи хос беклар Хиёбон бошида Бойсункур мирзонинг одамлари билан тўқнашдилар. Султон Аҳмад Танбалнинг бўғзига найза санчиб йикитдилар, лекин қўлга тушмади. Хожа Қалоннинг катта ақаси Хожаго Мулло Садрнинг йўгон томири-га ўқ теғди. Ўша захоти Тангри раҳматиға борди. Жуда яхши йигит эди. Отам ҳам кадрлаб, муҳрдор қилиб эди. Толиби илмлиги бор эди, тилни хийла билар эди, мактуб ёзиши ҳам яхши эди. Қушчиликни ва дуо билан ёмғир ёғдиришни ҳам биларди.

Ём атрофларида эканимизда шаҳардан қўп бозорчилар ва хар хил одамлар чиқиб, ўрдамиз бозорга айланиб, савдо-сотик қилар эдилар. Бир куни кечкурун бирдан ҳалойик гавго қўтариб, мусулмонлар молини батамом талон-торож қилдилар. Лашкар забти шу даражада эдики, элнинг таланган нарсаларининг ҳаммасини сакламай қайтариб берсин-лар, деган фармон бўлди. Эртаси эрталаб икки-уч соат ичида бир катим ип ва игна синигиғача бирор нарса лашкар қўлида қолмади, ҳаммасини эгаларига қайтариб бердилар.

У ердан қўчиб Самарқанднинг шарқ тарафидаги Хон юртига тушилди. Бу жой Самарқанддан уч қўрғ масофада. Қирқ-эллик кун бу юртда ўтирилди. Бу юртдалигимизда бир неча маротаба ташқаридан ва ичкаридан юракли йигитлар Хиёбонда яхши қилич қопишди. Бир марта Хиёбонда Иброҳим бекчиқ қиличқозлик қилганда юзини қопдилар. Шундан сўнг уни Иброҳим қопуқ дер эдилар. Яна бир сафар Хиёбонда Пули Мағокда (Гор қўприғи) Абулқосим қўхбур бировни гўрзи билан урди. Яна бир марта Хиёбонда Тарнов мавзесида жанг бўлди. Мирзошоҳ қавчин гўрзи билан бировни қулатди. Мирзошоҳ қавчинни эса шундай қопдиларки, бўйнининг ярмиғача қесилганди, катта томириғина қесилмаганди.

Хон юртида эканимизда қўргондагилар қириб билан қиши юбориб, қечаси Гори Ошиқон тарафиға қелинг, қўргонни берамиз, дедилар. Бу ҳаёл билан қечаси отланиб, Пули Мағокқа бордим. Бир гўрух сара йигитлар ва пиёдалар ваъдалашган ерга юборилди. Ичкаридан бизнинг пиёдалардан гафлатда қолдириб тўрт-бештасини ўлдирдиларки, ҳабардор бўлдик. Хийла қасур пиёдалар эдилар. Бирисининг оти Хожи эди. Менга ёшлиғидан хизмат қиларди. Яна бирини Маҳмуд Қундури сангақ дер эди. Барчасини ўлдирдилар.

Бу юртда эканимизда Самарқанддан шаҳарликлар ва бозорчилар шунчалиқ қўп қикқан эдики, лашкар ўрдаси шаҳарга айланганди. Шаҳардан хар нима истасалар, лашқаргоҳдан топиларди. Бу муддатда Самарқанддан бошқа барча қўргонлар ва тоғу туз қўл остимға қириб эди. Шовдор тоғининг этағида Ургут номли қўргонни бир жамоа берқитди. Зарурат бўлиб бу юртдан қўчиб, Ургут устиға қорилди. Токат қилолмай Хожа Қозини ораға қолиб қелдилар. Биз ҳам гўноҳларини афв қилдик. Яна Самарқанд қамалиға қайтдик.

Ушбу йили Султон Ҳусайн мирзо билан Бадиуззамон мирзо орасидаги нифоқлар урушға айланди. Бунинг тафсилоти шуқи, ўтган йили Балхни Бадиуззамон мирзоға, Астрободни Музаффар мирзоға қериб қуллуқ қилдирган эди, бу ҳақда юқорида ёзган эдик. Ўша

муддатдан бу муддатгача кўп элчилар бориб-келдилар.

Охири Алишербек ҳам элчиликка келди. Харчанд ҳаракат килсалар ҳам Бадиуззамон мирзо Астрободни инисига бермокка рози бўлмади: „Менинг ўғлим Мухаммад Мўмин мирзони хатна килганда, мирзо унга бағишлаган“, деди.

Бир куни Алишербек билан Хусайн Бойкаро орасида бир суҳбат бўлиб ўтдики, бу мирзонинг тезфахмлигига, Алишербекнинг кўнгли нозик ва юмшоқлигига далилдир. Алишербек махфий сўзларни мирзонинг кулогига кўп гапирди. Тагин дедики: „Бу сўзларни унутинг“. Мирзо дархол айтдики: „Кайси сўзларни?“. Алишербек кўп таъсирланиб, роса йиглади.

Охири ота-ўғил орасидаги бу гап-сўзлар шунга олиб келдики, отаси отасининг устига ва ўғли ўглининг устига Балх ва Астрободга лашкар тортдилар. Султон Хусайн мирзо Бадиуззамон мирзо устига, Музаффар Хусайн мирзо Мўмин мирзо устига лашкар тортди. Гурзивоннинг куйисида Якчироғ ўтлогига куйидан Султон Хусайн мирзо, юкоридан Бадиуззамон мирзо келдилар. Чоршанба куни рамазон ойининг бошида Абулмуҳсин мирзо Султон Хусайн мирзонинг бир неча беклари ва бир даста хужумчиси билан илгарирок келди. Унчалик кўп уруш ҳам бўлмади, Бадиуззамон лашкари босилди. Кўп сара йигитлар кўлга тушди. Султон Хусайн мирзо барчасининг бошини кестирди. Ёлғиз бу эмас, қачонки бир ўғли ёвлашган бўлса, ҳамиша бостирди. Кўлга тушган навкарларининг барчасининг бошини кестирди. Ҳақ унинг томонида бўлгач, у не килсин. Бу мирзолар шунчалик бузукчилик ва айш-ишратга машғул эдиларки, рамазондек табаррук ва азиз ойга бир кечалик фурсат колганда, отасидек кўпни кўрган ва ишбилармон подшоҳ ярим кун-

лик йўлдан келган вақтда ҳам, отасидан ийманмай, Худодан кўркмай, хануз иши май ичмок, мажлисоралик билан дилхушликка берилмок бўлди: муқаррардирки, бундай киши ўшандай шикаст топади ва бундай яшаган элни ҳар ким енга олади.

Неча йилки, Астробод ҳукумати Бадиуззамон мирзода эди, хонадон аҳли ва хизматкорлар ҳамда йигит-яланги жуда серзавқ ва зеб-зийнатга ботган эди. Олтин ва қумуш асбоб-анжомлари жуда кўп эди. Дабдабали кийинган йигитлари ва чопқир отлари беҳисоб эди. Барчасини шу ерда бой берди. Қочаётганида тоғ йўлига учраб, эниш ва учма жойларга йўликиб, ўзи ташвиш билан учмадан тушди. Кўп эли бу учмада нобуд бўлди.

Султон Хусайн мирзо ўғлини бостиргандан сўнг, Балхга келди. Бадиуззамон мирзо Балхга Шайх Али тағойини кўйиб эди. Чора кила олмай, чикиб Балхни топ-ширди. Султон Хусайн мирзо Балхни Иброҳим Хусайн мирзога бериб, Мухаммад Валибек ва Шох Хусайн танқўриқчини у билан колдириб, ўзи Хуросонга қайтиб кетди.

Бадиуззамон мирзо шикастдан сўнг таланиб, бор-будини олдириб, йигит-яланг ва яёв-яланги билан Қундузга—Хисравшоҳга томон йўл олди. Хисравшоҳ ҳам яхши хизматлар килди. От ва туядан, чодир ва шохона чодирлардан, балки барча сипоҳилик яроғ-аслаҳасидан мирзога ва мирзо билан бўлганларга бериб, шу даражада хизмат ва одамгарчилик килдики, буни кўрганлар: бурунги яроғ-аслаҳа билан бунинг ўртасида фарқ йўқ, тафовут балки тилла ва қумуш нарсалардагина холос, дедилар.

Султон Масъуд мирзо билан Хисравшоҳнинг орасида Султон Масъуднинг бекарорлиги, Хисравшоҳ обрў-эътиборининг ортгандан жанжал ва гина-қудуратлар чиккан эди.

Хисравшоҳ Вали ва Бокини Бадиуззамон мирзога кўшиб, Султон Масъуд мирзонинг устига — Хисорга жангга юборди. Улар кўргонга яқин ҳам кела олмадилар.

Атроф-теваракдан наридан-бери бир-икки қилич солишдилар. Бир навбат Хисорнинг

шимол тарафи Кушхона ўлангида Муҳиб Али қўрчи элдан айрилиб келиб, яхши жанг килди. Отдан йикилиб қўлга тушиш олдида яна у томондан зўрлаб, халос килдилар. Бир неча кундан сўнг нари-бери сулх тузган бўлиб, қайтиб кетдилар. Бир неча кундан сўнг Бадиуззамон мирзо тоғ йўли билан Кандахор ва Замини Доварга: Зуннун аргун ва унинг ўғли Шох Шужоъ аргун томонга жўнади. Зун-нун аргун хасислик ва бахиллигига кара-май, яхши хизматлар килди. Бир тортик килганда кирк минг қўй совга килди. Гаройиб воқеалардан бири шуки, Султон Хусайн мирзо Бадиуззамон мирзони енган чоршанба куни, Астрободда Музаффар мирзо Муҳаммад Мўмин мирзони енгади. Бундан ҳам ажаброғи шундаки, Чахоршанба исми киши Муҳаммад Мўмин мирзони қўлга тушириб келтиради.

давоми бор